

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

1-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

МАКСУДОВ Р.Х.  
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR. (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)  
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)  
АҲМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
СОЛИЖНОВ Й. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:** Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
  
**Мусахҳихлар:** Шералиева Ж.  
Мамаджонова М.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 100 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

## АДАБИЁТШУНОСЛИК

**Қ.Йўлчиев**

Лирик шеърда сюжет ва топохронос ..... 102

**С.Эшонқулов**

Нодира лирикасининг бадиият олами асослари ..... 108

---

## ТИЛШУНОСЛИК

**А.Мамажонов**

Ўзбек тилида сабаб-натижа муносабатининг ифодаланиши ..... 113

**З.Рахимов, Ш.Искандарова**

Фарона тилшунослик мактаби ..... 116

**Р.Шукуров, Г.Жўрабоева**

Ёзма манбаларда ўш астионими ва унинг келиб чиқишига доир ..... 123

**М.Абдуллаттоев**

Поэтик нутқни ўрганиш масалалари ..... 128

**З.Алимова**

Форсча-тожикча ўзлашмаларда вокализмларнинг ўзгариши ..... 133

**Ш.Дадабоева**

Қиёслаш муносабати ва унинг универсал жиҳатлари ..... 138

**Н.Якубова**

Жумбоқли матнлар лингвистик тадқиқот обьекти сифатида ..... 142

**Л.Абдуллаева**

Инициализмлар инглиз юридик аббревиатуралар сифатида ..... 146

---

## ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

**Н.Расулова**

Адаптив интеллектуал таълим муҳитида индивидуаллаштирилган ўқув жараёнининг  
моделлари ..... 150

**Г.Хамраева**

Касб таълими йўналиши талабаларининг рақамли компетенциясини ривожлантириш  
усуллари ..... 157

---

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

**М.Мирзарахимов, А.Сироғиддинов, Ж.Назирқулов**

Реал вақт режимида тизимдан малакали кадрларни танлаб олиш алгоритмини  
норавшан мантиқ асосида тадқиқ этиш ..... 163

**М.Султонова**

Ўзбекистонда телетибиёт тизимини ташкил этиш тизими модели  
ва ундаги муаммолар ..... 167

**Н.Қодирова, И.Асқаров, Б.Дўумонов, М.Акбарова**

Айрим совунлар ва синтетик кир ювиш воситалари таркибига кирувчи сирт фаол  
моддаларнинг мицелляр ҳолати ва уларни таснифлаш ..... 171

**И.Асқаров, М.Холматова**

Балиқ маҳсулотларининг кимёвий таркиби ..... 175

**Х.Муйдинов, Ж.Қодиров**

Қорамол тери ости бўқалари: Қорақалпоғистон Республикаси шароитида бўқалар  
ҳашаротларининг учиш муддатлари ..... 180

**Ш.Усанов**

Янги Ўзбекистон ёшлар сиёсати тизимида оила-маҳалла ҳамкорлиги масалалари ..... 183

**А.Эшниязова**

Ижодкор биографияси ва уруш фожиаси ..... 187

**Т.Рузибоев**

Жудолик Навоий талқинида ..... 191

**Ш.Махмиджонов**

Рұхият қирраларининг бадиий талқинлари ..... 195

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР СИЁСАТИ ТИЗИМИДА ОИЛА-МАҲАЛЛА ҲАМКОРЛИГИ МАСАЛАЛАРИ

### ISSUES OF FAMILY-NEIGHBORHOOD COOPERATION IN THE NEW SYSTEM OF YOUTH POLICY OF UZBEKISTAN

#### ВОПРОСЫ СОТРУДНИЧЕСТВА СЕМЬИ И МАХАЛЛИ В СИСТЕМЕ НОВОЙ МОЛОДЕЖНОЙ ПОЛИТИКИ УЗБЕКИСТАНА

Усанов Шуҳрат Мусурмонович<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Усанов Шуҳрат Мусурмонович

– Тошкент Тиббиёт академияси Термиз филиали ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси асистенти.

#### Аннотация

Мақолада Ўзбекистон тараққиётининг янги даври бошлиган даврдан бугунги кунга қадар ёшлар сиёсати борасидаги кенг кўламли испоҳотлар, уларнинг йўналишлари, ҳуқуқий асосларининг таомиллашуви, шунингдек ёшлар муаммоларини ҳал қилишида оила-маҳалла ҳамкорлигининг замонавий ҳолати тадқик қилинган.

#### Annotation

В статье исследованы широкомасштабные реформы в молодежной политике, проводимые с начала нового периода развития Узбекистана до настоящих дней, их направления, совершенствование правовых основ, а также современное состояние сотрудничества семьи и махалли в решении молодежных проблем.

#### Annotation

In the article, from the beginning of the new period of development of Uzbekistan to the present day, a wide range of reforms in the field of Youth Policy, their directions, improvement of legal foundations, as well as the modern state of family-neighborhood cooperation in solving youth problems have been studied.

**Таянч сўз ва иборалар:** Янги Ўзбекистон, испоҳот, ёшлар, ёшлар сиёсати, ёшлар муаммолари, оила, маҳалла, оила-маҳалла ҳамкорлиги.

**Ключевые слова и выражения:** новый Узбекистан, реформа, молодежь, молодежная политика, молодежные проблемы, семья, соседство, сотрудничество семьи и махалли.

**Key words and phrases:** new Uzbekistan, reform, Youth, Youth Policy, youth problems, family, neighborhood, family-neighborhood cooperation.

Бугунги кунда хорижий мамлакатларда “ёшлар” тушунчаси турли ёндашувлардан келиб чиқсан ҳолда тушунтирилади, бунда нафақат ёш чегараси балки индивидуал ёки гурухга ҳос тавсифлар, сифат ва белгилар йиғиндиси назарда тутилади. Ҳозирги замонда “ёшлар” тушунчасининг ёш чегараси аксарият Европа давлатлари, АҚШ ва Японияда 13–14 ёшдан 29–30 ёшгача белгиланган. Германияда 27 ёшгача, Францияда 15 ёшдан 26 ёшгача, Швецияда 15 ёшдан 25 ёшгача, Финландияда 29 ёшгача бўлган ёшлар ёшлар сиёсати соҳасига жалб этилади.

Европа давлатларида ёшлар сиёсати соҳасида давлатнинг етакчи рол ўйнашини эътироф этиш керак [1,19-30]. Европа мамлакатларининг кўпчилигига ёшлар сиёсати ёшларнинг ҳаёт йўли шаклланишига, жумладан, уларнинг бандлигини таъминлаш ва фаоллигини оширишга қаратилгандир. Европа давлатлари ёшлар сиёсатини уч босқичда

амалга оширимоқда. Биринчи босқичда ёшлар сиёсатининг ҳуқуқий асоси ва умумий йўналишлари марказий ҳукумат даражасида ишлаб чиқилади. Иккинчи босқичда эса ҳукумат амалга ошириш учун худудларга жўнатади. Учинчи босқичда эса ёшлар сиёсати ёшлар ташкилоти томонидан амалга оширилади [2,8-46].

Америка Кўшма Штатларида федерал даражадаги ёшлар сиёсати билан шуғулланувчи орган мавжуд эмас, бироқ штатларнинг аксариятида бундай орган ва муассасалар ташкил этилган. АҚШдаги давлат ёшлар сиёсатининг амалга оширилишидаги хусусиятларидан бири ҳар бир штатда турлича дастурларнинг мавжудлигидир. Ҳар бир штат ўз қонунларига мувофиқ равишда ёшлар сиёсатининг муҳим вазифаларини аниқлаб олади. Мазкур мамлакатда давлат ёшлар сиёсати билан Ёшлар сиёсати давлат

департаменти ва халқаро ривожланиш бўйича агентлик (USAID) шуғулланади[3,143-150].

2016 йилнинг 14 сентябрида Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги қонуни қабул қилинди. Унда қонуннинг ижросини таъминлаш, ёшларни ҳар томонлама қўллаб-кувватлаш мақсадида ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида давлат, ҳудудий ва бошқа дастурлар қабул қилиниши мумкинлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш жараёнида иштирок этувчи органлар ва ташкилотларнинг вазифалари, ваколатлари ҳамда мажбуриятларига аниқлик киритилди. Ушбу қонун орқали ёшларни ҳимоялаш ва қўллаб – кувватлашнинг амалий чора-тадбирлари мустаҳкамлаб қўйилди[4].

Шу билан бир қаторда ёшларга оид давлат сиёсатининг устувор йўналишлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида ҳам ўз аксини топган. Республика тараққиётининг янги босқичини бошлаб берди. 2017 – 2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, соғлиқни сақлаш тизимини тақомиллаштириш, фан ва таълим ҳамда ёшларга оид давлат сиёсати соҳасида изчил испоҳотлар ўтказишни назарда тутилди[5].

2017 йил 5 июляда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-кувватлаштўғрисида”ги Фармони қабул қилинди. Унга кўра, 30 июнь санаси республикада «Ёшлар куни» сифатида нишонланиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда олиб борилаётган ёшларга доир давлат сиёсати ва унинг амалий натижалари жаҳон ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакатимиз томонидан бу борада илгари сурилаётган ташабbusлар, жумладан, БМТнинг Ёшлар хукуқлари тўғрисидаги халқаро конвенциясини ишлаб чиқиши, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар раҳбарларининг Ёшларга мурожаати ва уни амалга ошириш бўйича Ҳаракатлар дастурини қабул қилиш ва амалга ошириш борасидаги таклифлари халқаро миқёсда қўллаб-кувватланмоқда [6,495-496]. Шу асосда ёш авлодимизнинг фуқаролик позицияси ва фаоллигини кучайтириш, уни мустақил фикрлайдиган замонавий билим ва касб-хунарларни пухта эгаллаб, халқаро

майдонда рақобатга кириша оладиган баркамол шахслар этиб тарбиялаш бўйича сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Энг муҳими, ёшлар билан доимий мулоқот олиб бориш, уларнинг бандлигини таъминлаш, ҳаётда ўз ўрнини топиши, жамиятнинг муносиб аъзоларига айланиши, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш вазифаси барчамизнинг кундалик фаолиятимиз мезонига айланиб бормоқда[6,490].

Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босиқичида ёшлар ижтимоий фаолигини оширишнинг институционал тизимини тақомиллаштириш зарурати юзага келгани ва ёшлар ижтимоий фаоллигини ошириш – аниқ мақсадга қаратилган ташкилий-педагогик жараён экани, унда ёшларда шаклланган ижтимоий фаоллик сифатлари тақомиллаштирилиши ва бойитиб борилиши асосланади. Зеро, «бугунги кунда мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, уни инновацион асосда ривожлантириш, ўз олдимизга қўйган кўп қиррали ва мураккаб вазифаларни амалга ошириш мақсадида биз замонавий ва креатив фикрлайдиган, ҳар қандай вазиятда ҳам масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган, ғайрат-шижоатли, интеллектуал салоҳияти юксак, ватанпарвар ёш кадрларга давлат ва жамият бошқарувида муҳим вазифаларни ишониб топширмоқдамиз»[6,491]. Шунинг учун ҳам эргаштирувчи, лидерлик сифатига эга, масъулиятли, фидоий ва ватанпарвар ёшларни тарбиялаш долзарб педагогик вазифалардан бирига айланмоқда.

Республикамизда ёшлар сиёсатида маҳалла-оила ҳамкорлик тизими муҳим аҳамиятга эга. 2019 йил 1 февралгача Республикамиз маҳаллаларида 12 мингдан зиёд нотинч оиласларнинг муаммолари ўрганилган. Таҳлиллар натижасида ажralиши арафасида турган оиласларнинг 25 мингдан зиёди яратирилган, 4 мингга яқин кишилар ФХДЕ ва суддан аризаларини қайтариб олди.

Республикадаги 986 та маҳаллада биронта ажralиши ҳолати қайд қилинмаган. 2019 йилда ушбу йиғинларнинг оиласлар билан ишлаш бўйича тажрибасини бошқа вилоятларга ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ. Умуман 2018 йилда республика бўйича 35 485 та қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолган оиласларнинг муаммолари таҳлил қилинди, 3 минг 500 та оила ноҷорлиқдан чиқарилган [7].

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

Ватанимизда маҳалла ҳамда ёшлар сиёсатида 2020 йил 30 июн куни ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикасида Ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонинг қабул қилиниши ушбу соҳадаги сиёсатни янада янги босқичга олиб чиқишида муҳим қадам бўлди.

Мамлакатимизда ёшлар ўртасида турли ёд тушунчаларнинг тарқалиб кетмаслиги, уларнинг маънан этук баркамол бўлиб тарияланишида давлат ва жамоатчилик ҳамкорлиги масаласи жуда муҳимdir. Ёшларни ҳар тамонлама ҳимоя қилиш уларнинг фаоллигини янада ошириш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида маҳаллаларда ёшлар билан ишлашда маҳсус ташкил қилинган комиссияларга ҳам эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2020 йил 24 февралдаги ПҚ-4612-сон қарорига кўра, маҳалла, оила ва ёшларни кўллаб-куватлаш, маданият, маънавият ва жамоат ташкилотлари масалалари котибияти маҳалларда фаолият олиб боришни бошлади.

Мамлакатда ёшларга катта эътибор берилаётганлигининг асосий сабабларидан бири Ўзбекистон ёшлар мамлакати эканлиги билан ҳам изоҳланади. Республикада 30 ёшгача бўлганлар эса жами аҳолининг салкам 64 фоизини ташкил этади. Ушбу кўрсатгичдан келиб чиқсан, мамлакатимизда ёшлар масаласига жиддий ёндашиш талаб этилади. Бугунги кунда фуқаролар йиғинлари ҳузуридаги “Ёшлар билан ишлаш комиссиялари” ташкил этилиб, улар таркибига асосан 60 ёшдан ошган фуқаролар жалб этилган.

Низомга мувофиқ комиссия ҳуқуқ ва ваколатларига қўйидагилардан иборат қилиб белгиланган:

1. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва кенгашларийиғилишларида иштирок этиб, ёшлар манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда ёш оиласларни ижтимоий қўллаб кувватлаш юзасидан таклифлар киритиш;

2. Тегишли худудда истиқомат қилувчи ёшларнинг ҳатти харакатларини назорат қилиш ва тарбиявий тушунтириш ишларини олиб боришида “Маҳалла посбони” жамоат тузулмаси ва худудий профилактика инспектори билан ҳамкорлик қилиш;

3. Туман (шахар) вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияси ишида тегишли фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилувчи айrim ҳуқуқбузарликларни содир этган вояга етмаганлар ишини муҳокама

этишда иштирок этиш ва ўз фикр-мулоҳазаларини билдириш;

4. Комиссия томонидан зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришда эътиборсизликка йўл қўйган ёки ноқонуний ҳатти-ҳаракатлар содир этган ёшлар масаласини фуқаролар йиғинига муҳокама этиш учун кириши;

5. Жамоатчилик ишларида фаоллик кўрсатган ёшларни рағбатлантириш тўғрисида фуқаролар йиғинлари кенгашларига таклифлар киритиш;

Мамлакатимизда давлат фуқароларга жумладан ёшларга қаратилган эътирофлардан яна бири - турли соҳаларда ҳамда ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятлар содир этган маҳкумларниозодликка чиқаришнинг янгича тизимиға кўра, маҳкум ҳақида авваломбор ота-онаси, маҳалла оқсоқоли, кўни-кўшниларнинг алоҳида тақдим этган “Тавсифнома”си асосида авф этиш тизими йўлга қўйилди. Маҳалла фуқаролар йиғинлари, Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи туман ва шаҳар кенгашлари, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида судланувчиларга, айниқса, ёшларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлик бўлмаган жазо турлари тайинланадиган бўлди.

Уларнинг тўғри йўлга қайтишлари учун имконият берилмоқда. Хусусан, 2017 йилнинг ўзида маҳалла фуқаролар йиғинлари кафиллиги асосида 152 нафар, Ёшлар иттифоқи кафиллиги асосида 18 нафар, хотин-қизлар қўмиталари кафиллиги асосида 3 нафар, жами 173 нафар фуқарога нисбатан жазо тайинлашда жамоатчилик кафиллиги эътиborga олинди. Бу фуқароларнинг 38 нафарини ёшлар, 18 нафарини вояга етмаганлар, 11 нафарини аёллар ташкил этади. Ана шундай ишлар натижасида мамлакатимиз бўйича 63 нафар шахс суд залидан қамоқдан озод қилинди, 11 нафар шахсжавобгарлиқдан озод қилинди, 97 нафар шахсга нисбатан енгилроқ жазо тури қўлланилган.[8]

Ёшлар миллий қадриятларни келгуси авлодларга етказувчи, ворисийлик анъанасини давом эттирувчи қатламдир. Бу эса ўзбек халқининг бой моддий ва маънавий меросини, қадриятларини асрраб-авайлашда муҳим ўринга эга.

Мамлакатимизда шахс ва жамият манфаатлари тизимида ёшлар омили алоҳида аҳамият касб этган ҳолда, миллий хавфсизлик тизимининг ҳам муҳим қисмини ташкил этади. Чунки, ёшлар онги тўлиқ шаклланиб улгурмаган, маълум таҳдидларга мойиллик

даражаси юқори бўлган демографик қатламдир.

2020 йил 30 июндаги ПФ-6017-сон “Ўзбекистон Республикаси Ёшлар ишлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғриси”даги Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилишва янги босқичга олиб чиқиш чоратадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ ёшлар агентлиги ташкил этилди.

Маҳалла институти ва оила ҳамкорлигига ёшлар муаммоларини ҳал қилишда қўйидаги жиҳатларга алоҳида ётибор қаратиш лозим:

- ёшлар муаммоларини ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлиги: ёшлар муаммоларини ҳал қилиш орқали уларнинг ислоҳотлар моҳиятини чуқурроқ англай олиш; эртанги кунга катта ишонч ва ижтимоий тараққиёт ғояларига мустаҳкам эътиқодни ривожлантириш; жамият олдидаги масъулият, ёшларда кишилик жамияти тақдирига масъуллик ва дахлдорлик туйғусини таркиб топтиришга оид кўникма ва малакаларини таркиб топтириш.

- ёшлар муаммоларини ҳал қилишда индивидуал ёндашув нұқтаи назаридан меҳнатсеварлик ва ташаббускорлик сифатларига қизиқишни ҳосил қилиш; ижтимоий муносабатларни ўрганиш жараёнида

ёшларнинг ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини ривожлантириш, ўз-ўзини тақомиллаштириш; ўз-ўзини намоён этишига ёрдамлашиш; маҳалла институти ва оила ҳамкорлигига ёшлари бандлигини таъминлашда тарихий тажрибани таҳлил этиш асосида ёшлар ижтимоий фаоллигини оширишга оид кўникма ва малакаларини ривожлантириш.

-маҳалла институти ва оила ҳамкорлигига қишлоқ ёшлар муаммоларини ҳал қилиш технологияси рефлексив ёндашувнинг концептуал асосларига таянган ҳолда лойиҳалаштирилиб, мақсадга йўналтирилган, тизимли тавсифга эга қўйидаги босқичларни ўз ичига қамраб олиши лози бўлиб, бунда: аналитик – ёшлар муаммоларини ҳал қилиш борасидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил этиш, умумлаштириш ва баҳолаш; ташкилий-тайёрлов – технологияни амалга ошириш истиқболини аниқлаштириш; фаолиятга доир – маҳалла институти ва оила ҳамкорлигига ёшлар муаммоларини ҳал қилиш доирасидаги ишларни босқичма-босқич амалга ошириш; мониторинг – маҳалла институти ва оила ҳамкорлигига ёшлар муаммоларини ҳал қилиш динамикасини баҳолаш, зарурият юзага келганда йўл харитасига тузатишлар киритиш; натижавий – натижаларни баҳолаш ва келгуси ишларнинг истиқболдаги вазифаларини аниқлаштириш ҳисобланади.

#### References:

1. Леонов Ю.С. Стратегии европейской государственной молодежной политики: основные направления и тенденции // Аналитический Вестник Совета Федерации РФ. – 2007. – №4.
2. Молодежная политика: европейский опыт. Доклад Института Европы РАН №163. – М.: ИЕ РАН – «Огни ТД», 2005.
3. Самохвалов Н.А. Сравнительный анализ практик реализации государственной молодежной политики в современной мире // Сравнительная политика. – 2016. - №4.
4. “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг қонуни // Халқ сўзи. – 2016. – 15 сентябр. - №182 (6617).
5. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами. – 2017. – №6. – 70-модда; №20. – 354-модда; №23. – 448-модда; №37. – 982-модда; Қонун хужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.07.2018 й., 06/18/5483/1594-сон.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-том. – Т.: Ўзбекистон, 2018.
7. Oilalar mustahakmligini ta'minlashga hamma birdek javobgar //“Mahalla” gazetasi, 2019 yil, 7-14-mart. № 13.
8. Konstitutsiya – erkin va farovon hayotimiz, mamlakatimizni yanada taraqqiy ettirishning mustahkampoydevoridir // Prezident Shavkat Mirziyoyevning O'zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasi qabulqilinganining 25 yilligiga bag'ishlangan tantanali marosimdag'i ma'ruzasi. [www.aza.uz](http://www.aza.uz)

(Тақризчи: М.Исомиддинов – тарих фанлари доктори, профессор).